

## ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

ТДИУ, Молия ва бухгалтерия ҳисоби  
кафедраси катта ўқитувчиси  
**Фарходовна Ирода Урманбекова**

**Аннотация:** Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари маҳсус, мустакил тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш долзарб ва илмий-амалий аҳамият касб этади. Мазкур мақолада харажатлар, ишлаб чиқариш харажатлари мазмуни ва тавсифи очиб берилган. Электр энергияси ишлаб чиқаришда харажатлар ҳисобининг мақсади ва вазифалари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** харажатлар, электр энергиясини ишлаб чиқариш, маҳсулот таннахи, калькуляция моддалари, харажатлар таҳлили, таннаҳҳ ҳисоби.

**Аннотация:** В условиях цифровизации экономики изучение теоретико-методологических и практических аспектов учета затрат и анализа предприятий по производству электроэнергии имеет актуальное и научно-практическое значение. В данной статье раскрывается содержание и характеристика затрат, себестоимости продукции. Указаны цель и задачи учета затрат при производстве электроэнергии.

**Ключевые слова:** затраты, производство электроэнергии, себестоимость продукции, статьи калькуляции, анализ затрат, учет затрат

**Annotation:** In the context of the digitalization of the economy, the study of theoretical, methodological and practical aspects of cost accounting and analysis of enterprises for the production of electricity is of relevant and scientific and practical importance. This article reveals the content and characteristics of costs, production costs. The purpose and objectives of cost accounting in the production of electricity are indicated.

**Key words:** Key words: costs, electricity generation, production cost, costing items, cost analysis, cost accounting.

Электр энергияси саноати ҳар бир мамлакатда саноатнинг таянч асоси бўлиб, иқтисодий ўсишни таъминлашни ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажмининг ўсишилиз тасаввур этиб ҳам, таъминлаб ҳам бўлмайди. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “...янги электр энергия ишлаб чиқариш кувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида ахолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш” муҳим вазифа эканлиги белгилаб олинган эди.

Бундан ташқари, Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда энергетика соҳасига оид муаммоларни ҳал этишга қаратилган хуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мамлакатимизда замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат мухитини ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш, магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, таъминот тизимидағи корхоналар ўртасида ўзаро ва таъминот корхоналари ҳамда электр энергияни якуний истеъмолчилар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш вазифаларини белгилаб берди.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар хисоби ва таҳлилиниг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари маҳсус, мустақил тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу масаланинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

**Харажатлар** - бу кўзланган мақсадларга (маҳсулот ишлаб чиқариш, товарлар хариди, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, лойиҳаларни амалга ошириш) эришиш учун сарфланган барча ресурслар қийматининг пулдаги ифодасидир. Ушбу атама жуда кўп маънога эга бўлиб, турли хил вазиятларда турли хил типдаги харажатлар қўлланилади. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва харидорларга сотиш учун кўплаб харажатлар амалга оширилади. Буларга материал харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, машина ва асбоб-ускуналарнинг амортизацияси харажатлари, таъмирлаш харажатлари, ходимларни овқатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш харажатлари, электр-энергия харажатлари, маҳсулотларни сақлаш, реклама қилиш, харидорларга етказиб бериш, менежерларнинг иш ҳақи, телефон ва интернет харажатлари ҳамда бошқа харажатларни киритиш мумкин. Харажатларнинг тури ва микдори ташкилотнинг фаолият хусусиятлари, унинг ҳажми бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатларига айтилади. Уларга бевосита

ва билвосита хом-ашё, материал, ёқилғи, амортизатсия ажратмаси, ишчи-хизматчиларга иш ҳаки ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради.

Агар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласақ, ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулотнинг таннархини топамиз. Таннарх қўрсаткичи хўжалик субъекти фаолиятида муҳим сифат қўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади.


Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича, ҳаққоний аниқлаш, шу билан бирга айрим маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш, хўжалик субъекти ресурслари, пул маблағларини ишлатилиши устидан назоратни ўрнатишидир.

Хўжалик субъекти ҳамда уни бошқариш нуқтаи-назаридан эса харажатларнинг умумий суммаси, алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг унумли, унумсиз харажатлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар йиғишини талаб этади.

Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олиш ҳам молиявий ҳисобнинг, ҳам бошқарув ҳисобининг энг муҳим қисмлари бири сифатида майдонга чиқади. Мана шу асосда электр энергияси ишлаб чиқаришда харажатлар ҳисоби олдидаги вазифаларни аниқлаш мумкин.

**Электр энергияси ишлаб чиқаришда харажатларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади** – ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида, тўлалигича ва ҳаққоний баҳода харажатларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, харажатлар билан боғлиқ бўлган муомалаларни икки ёқлама ёзув усулида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, шу билан бирга айрим маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш ҳамда корхона товар моддий захираларини қийматини баҳолаш, дастлабки ҳужжатлардан фойдаланиб бухгалтерия ҳужжатларида акс эттиришдан иборат (1-расм).

Халқаро ҳисобда харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилишдан асосий мақсад харажатларни бошқариш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат қилиш, бошқарувчини ахборот билан таъминлаш, корхонанинг келажакдаги истиқболи учун керакли қарорлар қабул қилишдан иборат.



**1-расм. Электр энергияси ишлаб чиқаришда харажатлар хисобининг мақсади.**

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамда иқтисодиётнинг бош мақсади – кам русурс сарфлаб, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан, кўп фойда олишдир. Фойда олиш учун аҳамиятли бўлган иқтисодий атамаларни қуида санаб ўтамиш: нарх, талаб, таклиф, даромад, харажат ва таннарх. Электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар ушбу соҳада давлат монополияси ҳамда маҳсулот баҳоси ўрнатилишига оид давлат сиёсати юритилиши сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай нархда сотилишини, бозордаги талаб ва таклифни ҳамда қанча даромад олинишини олдиндан билмайди. Шунинг учун, фақат маҳсулот таннархини ва харажатларни тўғри бошқариш, режалаштириш, ортиқча харажатларни камайтириш эвазига даромад ўзгармасдан қолганда ҳам фойдани кўпайтириш имконияти бор.

Харажатлар ҳақидаги маълумотлар, биринчи навбатда, корхона фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш учун зарурдир. Бундай ахборот кредитор, инвестор, банк, солиқ инспекцияси каби ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга. Айниқса, корхонанинг фойда солигини харажатлар ҳақидаги ахборотсиз ҳисоб-китоб қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, харажатларни ҳисобга олиш молиявий ҳисобнинг ҳамда бошқарув ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мана шу асосда харажатлар ҳисоби олдидағи вазифаларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу вазифалар бошқарув ҳисобининг асосий мақсадини бажаришга имкон беради. Масалан, харажатларни уларнинг пайдо бўлиш жойлари ва жавобгар

хўжалик марказлари бўйича ҳисобга олиш энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Демак, харажатларни ҳисобга олишнинг куйидаги вазифаларини таъкидлаш лозим:

- алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари ёки бўлинмалари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш ва улар устидан назоратни таъминлаш;
- алоҳида маҳсулот турлари бўйича асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотни шакллантириб бориш;
- корхонанинг ишлаб чиқаришдан ташқари барча бошқарув харажатларининг таҳлилий маълумотларини йиғиб бориш ва уларнинг талқинини амалга ошириш.

Бу вазифалардан кўриниб турибдики, ҳисоб ва таҳлил бухгалтерия ҳисобининг бир-бири билан чамбарчас боғланган икки томонидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислоҳотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1).  
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>
2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60.  
[https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. *Архив научных исследований*, 1(1).  
<https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5),  
<http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898.  
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Кличев, Б. П. (2022). Ишбилиармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1).  
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

8. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. Indian Journal of Economics and Business. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2  
<http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php>
9. Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.
10. Қличев, Б. П. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАХЛИЛИ. Архив научных исследований, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
11. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293  
[https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl\\_cemj/article/view/1284.html](https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html)
12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. Journal of New Century Innovations, 6(1), 67–79.  
<http://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>
13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 889-892.
14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591  
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. International Journal of Research in Social Sciences, 10(3), 148-153.
16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR) ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157  
<http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>
17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Science and Education, 3(5), 1719-1728.  
<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
18. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892).  
[http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1\\_P7.pdf](http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf)

19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54.  
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАХЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
21. Ф.Қ.Бобохўжаева, (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос мухим жиҳатлари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2(13), 156–159.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
22. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. Biznes-Эксперт, 3 (159), 39-42.
23. Холдоров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>
24. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 693-697).  
<https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>
25. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 2020, Systems (pp. 44-48).  
<https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>
26. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>
27. И момкулов, Т. Б. (2022). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ. Journal of new century innovations, 6(1), 57-66.
28. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering and Management, Volume 83, 1733-1743

<http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>

29. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (74), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>

30. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12(5), 51-54.

<https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>

31. Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>